“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилишининг 3-сонли баённомаси.

Йиғилиш ўтказиш жойи: Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси, 4 уй, “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти мажлислар зали.

Умумий йиғилиш тури: навбатдан ташқари

Йиғилиш ўтказиш санаси: 2024 йил 30 июл.

Жамиятнинг жами жойлаштирилган акциялари сони 4 288 088 дона.

Жамиятнинг 2024 йил 23 июл ҳолатида шакллантирилган реестрига асосан жамият акциядорлари сони 1747, шундан йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядор 1545 шахсдан иборат.

Йигилишда қатнашдилар: 3 223 406 овозга эга 5 акционер, шу жумладан 3 акционер ишончнома билан, кворум 75,17 фоизни ташкил этди.

Таклиф этилганлар: ижроия органи аъзолари, мутасадди ходимлари.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. Саноқ комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. “Бухоронефтгазпармаш” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилишини тасдиқлаш.

4. “Жамиятнинг 2023 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботни миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ва ҳалқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботини ҳалқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда 2023 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви бўйича мустақил аудитор ташкилотини танлаш ва унинг хизмат ҳақини 90 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда белгилаш.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши кворуми эълон қилинди. Кворум 75,17 фоизни ташкил этди, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддаси 1-хатбошиси бўйича йиғилишнинг ваколатлилиги эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили – М.Бекмуродов сўзга чиқиб, ушбу йиғилиш жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 10 июлдаги йиғилиш қарори асосида ўтказилаётганини тушунтириб ўтди.

Йигилиш ўтказилиши учун йиғилишнинг ишчи органлари сайланишига тўхталиб ўтилди. Йиғилишнинг ишчи ҳайъатига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили, йиғилиш раиси – М.Бекмуродов, жамият бошқаруви раиси – Б.М.Бакаев сайланди. Йиғилиш котиблигига Г.Касимова сайланди.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** “Бухоронефтгазпармаш” АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш” бўйича М.Бекмуродов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 10 июлдаги йиғилиш қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 3 минутдан иборат йиғилиш регламенти таклиф этилгани айтиб ўтилди.

Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: “тарафдор” 3 223 406 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **биринчи масала борасида қарор қабул қилинди:**

1.1. Умумий йиғилиш регламенти маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 3 минутдан иборат тартибда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** санок комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиклаш бўйича М.Бекмуродов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 10 июлдаги йиғилиш қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига тасдиқлаш учун уч киши: А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат санок комиссияси таркиби таклиф этилганини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси: “тарафдор” 3 223 406 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи масала борасида қарор қабул қилинди:**

2.1. Акциядорлар умумий йиғилиши санок комиссияси А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат таркибда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **учинчи масала,** “Бухоронефтгазпармаш” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгаришлар киритилишини тасдиқлаш борасида йиғилиш раиси М.Бекмуродов сўзга чиқди. Маърузачи юқорида айтиб ўтилган кузатув кенгашининг 2024 йил 10 июлдаги қарори билан жамият кузатув кенгаши туғрисидаги Низомига йиғилиш иловасида кўрсатилганидек, қуйидагича ўзгаришлар киритилиши таклиф этилганини айтиб ўтди:

№	Эски матнда	Янги матнда
1	7.3. Кузатув кенгаши аъзоларининг хар бирига хар ойда рагбатлантириш (мукофот) пули туланади. Рагбатлантириш (мукофот) микдори Кузатув кенгаши раисига Узбекистон Республикасида белгиланган (амалда булган) мехнатга хак тулашнинг энг кам микдорининг 3,5 (уч ярим) бараварида ва Кузатув кенгаши аъзоларига 3 (уч) бараваридан туланади. Кузатув кенгаши йигилишларида иштирок этмайдиган ва/ёки кузатув кенгаши йигилиш баённомаларини имзолаймаган кузатув кенгаши аъзоларига рагбатлантириш туловлари тулашга йул куйилмайди.	7.3. Кузатув кенгаши аъзоларининг хар бирига хар ойда рағбатлантириш (мукофот) пули тўланади. Рағбатлантириш (мукофот) миқдори Кузатув кенгаши раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) мехнатга хак тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 (тўрт) бараварида ва Кузатув кенгаши аъзоларига 3,5 (уч ярим) бараваридан тўланади. Кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок этмайдиган ва/ёки кузатув кенгаши йиғилиш баённомаларини имзолаймаган кузатув кенгаши аъзоларига рағбатлантириш тўловлари тўлашга йул қўйилмайди.
2	7.5. Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тайёрлаш, мажлис карорларини расмийлаштириш, карорларини ижро этиш жараёнини мониторинг килиш, кирувчи ва чикувчи хатлар корреспонденцияларни хисобини юритиш максадида Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан котиб	7.5. Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тайёрлаш, мажлис қарорларини расмийлаштириш, қарорларини ижро этиш жараёнини мониторинг қилиш, кирувчи ва чиқувчи хатлар корреспонденцияларни хисобини юритиш максадида Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан котиб тайинланиши

	тайинланиши мумкин. Агар Кузатув кенгаши котиби этиб бошка шахс тайинланса хар ойда бир марта Узбекистан Республикасида урнатилган мехнатга хак тулашнинг энг кам микдорининг 2 (икки) баравари микдорда мукофот туланади.	мумкин. Агар Кузатув кенгаши котиби этиб бошқа шахс тайинланса ҳар ойда бир марта Ўзбекистан Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорда мукофот тўланади.

Ушбу Низомга киритиладиган ўзгаришлар матни акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгаришларни юқоридаги матнга мувофиқ тасдиқлаш бўйича овоз бериш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди ва овоз бериш натижаси:

"тарафдор" – 3 193 720 овоз, "қарши" – 2 077 овоз, "бетараф" – 27 609.

Кун тартибидаги **учинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

3.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомининг 7.3 ва 7.5 бандларига иловага асосан ўзгариш киритилиши тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** борасида йиғилиш раиси М.Бекмуродов сўзга чиқиб, "Бухоронефтгазпармаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботни миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ва ҳалқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботини ҳалқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда 2023 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текширувини амалга ошириш учун мустакил аудитор ташкилотини танлаш максадида жамият ижро органи томонидан танлов эълон килингани ва танлов натижаси бўйича учта аудитор ташкилотидан таклиф тушганини айтиб ўтди. Булар масъулияти чекланган жамият шаклидаги "JAVLON AUDIT SERVIS" аудиторлик ташкилоти, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "MAA PERFECT" аудиторлик ташкилоти ва "KOMIL ISHONCH" МЧЖ аудиторлик ташкилоти бўлиб, ушбу ташкилотлардан бирини танлаш ва унинг хизмат ҳақини 90 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда белгилаш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди. Овоз бериш натижаси:

а) "JAVLON AUDIT SERVIS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти бўйича:
"тарафдор" 0 овоз, "қарши" 3 223 406 овоз, "бетараф" йўқ.
б) "MAA PERFECT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти бўйича:
"тарафдор" 3 223 406 овоз, "қарши" овоз, "бетараф" йўқ.
в) "KOMIL ISHONCH" МЧЖ аудиторлик ташкилоти бўйича:
"тарафдор" 0 овоз, "қарши" 3 223 406 овоз, "бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

4.1. "Бухоронефтгазпармаш" акциядорлик жамиятининг 2023 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботни миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ва халкаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботини ҳалқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда 2023 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши

фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви учун “MAA PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.

4.2. Аудитор ташкилотига тўланадиган ҳақ 90 млн. сўм миқдори чегарасида белгилансин.

Йиғилиш раиси М.Бекмуродов

Йиғилиш котиби Г.Касимова

Йиғилиш баённомаси имзоланган сана 30 июл 2024 йил.